



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 20 июнь, № 124 (7082) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида пойтахтда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг яқин ҳамкорлиги асосида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, хизматни ўташни ташкил этиш амалиётини ўрганиш сўткининг кечки ва тунги вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мавжуд куч ва воситаларини тақсимлашнинг етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатди ҳамда бу пойтахтда криминоген вазиятга тезкор таъсир кўрсатиш, уни назорат қилиш ва баҳо бериш имконини бермапти. Ушбу вақтда ҳуқуқбузарликлар умумий сонининг яримдан кўпи, айниқса, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилаётгани ҳам бундан далolat беради.

Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сўткининг кечки ва тунги вақтида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида уларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Олий суди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2018 йил 1 июлдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимига қўйиладиган назарда тутадиган **“Хавфсиз пойтахт” концепцияси**ни (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) эксперимент тарикасида жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин;

соат 16:00 дан 8:00 га қадар вақт оралиғида ички ишлар органлари, Миллий гвардия саф бўлинулари жамоат тартибини таъминлаш кўчаларининг камида 70 фоизини, шунингдек, жамоатчилик вакиллари (кейинги ўринларда — жамоат тартибини таъминлаш кўчалари) жалб қилиш орқали куну тун уч сменали патруль режимини ташкил этиш;

ички ишлар ва прокуратура органларининг профилактика, тезкор ва тергов бўлинулари, маъмурий судлар, адвокаттура, шунингдек, суд-тиббий экспертиза хизматлари ходимлари томонидан сўткининг кечки ва тунги вақтида хизмат фаолиятини тўлиқ амалга ошириш, кейинчалик сўткининг кундузи вақтида ун олти соат давомида уларни бевосита хизмат вазифаларини баҳаридан озод этиш; ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида ички ишлар органлари бўлинулари, биринчи навбатда, жамоат тартибини таъминлаш кўчаларининг патруль гуруҳлари ҳодиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга максимал тезкорлик билан етиб боришини таъминлаш.

2. Белгилаб қўйилсинки: патруллик қилиш учун бириктирилган ҳудудда жамоат тартибини бузиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги, уларнинг ўз вақтида олди олиниши ва уларга чек қўйилиши сўткининг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб бораётган жамоат тартибини таъминлаш кўчалари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари ҳисобланади;


сўткининг кечки ва тунги вақтидаги фаолият жамоат тартибини таъминлаш кўчаларининг ва жалб этилган давлат органлари бўлинулари шахсий таркибининг яқин ҳамкорлиғида ташкил этилади;

жамоат тартибини таъминлаш кўчалари томонидан сўткининг кечки ва тунги вақтида автомобилларда патруллик қилиш аралаш тартибда, яъни ҳам автомобилларда, ҳам пиеда амалга оширилади;

(Давоми 2-бетда).

«Ўзбекистон — кенг қўламли ислохотлар мамлақати»

Хитойдаги машхур “Psearcher” журналининг махсус сони ана шундай номда чоп этилди.



Журналининг сержило сарҳадларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги кенг камровли ислохотлар ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг демок-

ратик асосларини мустаҳкамлаш борасида эришилган ютуқларга ҳам юқори баҳо берилган.

Материалларда Ўзбекистоннинг сармоёвий салоҳияти, бизнесга халақит бераётган маъмурий тўсиқларга босқичма-босқич барҳам бериш, тадбиркорларга кредитлар ажратишнинг содда-лаштирилган жараёнлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақили институтини фаолиятини тўғрисидаги янгилик ҳам журналхонлар эътиборини тортди, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

ЖАМИЯТНИНГ ИШОНЧИ ВА ТАЯНЧИ



Аждодларимиз азалдан фарзанд тарбиясига устувор вазифа сифатида қараб келишган. Ота-она зурриётини Ватан, халқ манфаатлари йўлида хизмат қиладиган ҳалол, меҳнатсевар, ахлоқий етук инсон этиб тарбиялаш масаласига доимо жиддий эътибор берган. Авлодлар олдидаги бундай масъулият ҳисси эса халқимизнинг минг йиллик маънавий, диний, ахлоқий ва маданий қадриятларига чамбарчас боғланганлиги билан изоҳланади.

Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар сўтки йилларда янада кучайди, янгича мазмун ҳамда шакл касб этди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан соҳада бошланган сайё-ҳаракатлар тўлқини мактабгача таълим, умумий ўрта ва олий таълим босқичларини қамраб олди. Бу эса қисқа давр ичида жамоатчилик фикрининг янги шаклланишига туртки бермоқда.

Ижтимоий фикр

Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрининг ўрганиш маркази томонидан ўтказилган “Ота-оналар ва болалар, усмирлар ва болалар тарбияси” мавзусидаги сўровнома ҳам мазкур жараён фаол давом этаётганини кўрсатмоқда. Вояга етаётган авлодни тарбиялаш, болалар ҳамда ёшларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг муҳим омилли сифатида оила институтининг мустаҳкамлаш бўйича Ўзбекистонда рўй бераётган кенг миқёсдаги ўзгаришлар даврида ушбу мавзу янада долзарб аҳамиятга эгадир.

Айтиш жоизки, ижтимоий сўров ўзбек жамиятида оила ва фарзандлар энг муҳим қадрият бўлиб қолаётганини тасдиқлади. Респондентларнинг 67,5 фоизи бола тарбияси ҳақида уни камол-етқизиш учун, аввало, оила масъул, фарзандлар тарбияси

ота-онанинг энг муҳим бурчи, деб ҳисоблайдилар. Хар уч кишидан бири “Бу жавобгарлик ота-оналар ва давлат, тегишли таълим муассасалари ўртасида тақсимланиши керак”, деган мулоҳазани билдирган. Сўралганларнинг фикрича, давлатнинг ўрни таълимнинг барча босқичида бола ҳуқуқини рўйбга чиқариш механизмининг таъминлаш, оила институтининг самарали ишлаши учун жамиятда қўлай ижтимоий-маданий муҳитни шакллантиришга ёрдам берувчи шароитлар яратишда намоён бўлиши лозим.

Сўровномада қатнашганлар айнан ота-она меҳри ҳамда тарбияси боланинг жисмоний ва интеллектуал ривожланишини, унинг руҳий хотиржамлигини таъминлайди, тинч оилавий муҳит эса фарзандларнинг қобилияти


ҳамда истеъдодини аниқлаш, келажақда уларни юзага чиқариш имконини беради, деган фикр-дадиллар. Улар бола тарбиясида кўзланган асосий мақсад эртанинг эгаларини ҳалол, меҳнатсевар, жамиятнинг фаол аъзоси, Ватанинг фидойи ҳимоячилари, ота-она таянчи қилиб камол топиришида, деб билдилар.

Таълим тизимидаги ўзгаришлар қўллаб-қувватланмоқда

Шуниси диққатга сазоворки, ватандошларимиз фарзандларига яхши таълим беришга ва бу ишни боланинг ёшлиғидан бош-

лашга интиладилар. Респондентларнинг аксарияти мактабгача таълим соҳасини тўдан ислох этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар давр талаби эканини кўрсатиб ўтишди. Уларнинг нуқтаи назарига қўра, Президентимизнинг “Мактабгача таълим тизимини бошқарувини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Мактабгача таълим тизимини тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, айнан мактабгача таълим ўсиб келаётган авлоднинг келусида жамиятга фаол қўшилиб кетишига пойдевор яратилди.

(Давоми 3-бетда).



Бахтиёр АКРАМОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Медиацция низоларни ҳал этишга кўмаклашади

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Медиацция тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Янги Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 июнь кунини қабул қилинган ҳамда Сенатга юборилган. Ишчи гуруҳ Олий

суд, Бош прокуратура, Адлия, Молия вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор идора ҳамда илмий доиралар

вакилларидан таркиб топган. Йиғилишда қайд этилганидек, Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасида низоларни тартибга солишнинг муқobil усулларини ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, мамлакатнинг суд тизимига тушадиган босимни камайитиришдан иборат.

(Давоми 3-бетда).

Туризм

ҲАЁТ ДАВОМИДА КЎРИШ КЕРАК БЎЛГАН ШАҲАР

Хоразм — қадимги Буюк Ипақ йўлининг марказида жойлашган бўлиб, Ўзбекистоннинг энг юқори сайёҳлик салоҳиятига эга минтақаларидан бири ҳисобланади. Хиванинг халқро микёсда “Очик осмон остидаги музей шаҳар” дея эътироф этилиши ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилиши нафақат Хоразм вилояти, балки мамлакатимизнинг ҳақон туризм бозоридан муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам замин яратди.



ХОРАЗМДА ЖАМИ 254 ТА МАДАНИЙ МЕРОС ЁДГОРЛИГИ МАВЖУД

Шундан:

- меъморчилик
- археологик
- ҳайкалтарошлик
- диққатга сазовор жой
- муқаддас қадамжолар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 27-28 январь ҳамда 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Хивадаги Ичан қалъа ҳамда Нуриллабой саройи мажмуаларида, “Фаровон” меҳмонхонасининг қурилиш участкасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, тарихий обидаларни реконструкция

қилиш лойиҳалари билан танишиб, қадимий Хиванинг сайёҳлик жозибадорлигини янада ошириш мақсадида сайилгоҳ кўчалар ташкил этиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш бўйича топшириқлар берган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 4 майдаги “2017 — 2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг

туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди. Ушбу Дастур ижроси доирасида бугунги кунда ҳудудда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

4

МУНОСАБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимизнинг миллий-диний қадриятларини тиклаш, маърифий исломни ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг динимиз соғлигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссасини кенг ўрганиш ва тарғиб этиш юзасидан қўллаб ташаббусларни бошлаб берди.

«ЁШЛАРИМИЗНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

барқарор тараққиётга эришишнинг энг муҳим шarti»

Давлатимиз раҳбари Рамазон ҳайити кунини Ислам цивилизацияси маркази қурилиш майдонига ташриф бузориб, иншоот пойдеворига тамал тоши қўйгани бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Уза ва “Халқ сўзи” мухбирлари дин арбоблари, зиёлилар, маънавият ва маърифат соҳаси, ёшлар вакилларининг марказ ҳақидаги фикрлари билан қизикди.

Усмонхон АЛИМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий:

— Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим. Президентимиз ташаббуси билан халқимизнинг эртанги кунини, фаровон келажагини қўзғаб барча соҳада улкан ўзгаришлар қилинган. Бу ислохотларнинг бутун дунёга ёйган, бундай улғун зотлар мероси, қадим-жолари диёримизнинг деярли барча гўшасида мавжуд бўлиб, юртимизга келаётган меҳмонлар ҳаммасини зиёрат қилишнинг имкони йўқ. Ислам цивилизацияси марказида аждодларимиз мероси, таълим-таълим ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин бўлади. Ушбу марказнинг асосий гояси улғун алломаларимизнинг ислом ривожига улкан ҳиссасини тарғиб этиш, тарихимиз, маънавий меросимизга дунё эътиборини қаратишдан иборат. Президентимиз таъкидлаганидек, бу йўлдаги барча сайё-ҳаракатларимиз ёшлар таълим-тарбиясига, халқимиз тинчлик-осойишталиги ва ёруғ келажагига замин яратди.

Дарҳақиқат, динимизнинг гуллаб-яшнаши, ислом

тамaddonи юксак даражага кўтариллишида аждодларимизнинг ҳиссаси бекиёс. Юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Ҳафз Кабир каби улғун алломалар исломнинг асл моҳиятини бутун дунёга ёйган. Бундай улғун зотлар мероси, қадим-жолари диёримизнинг деярли барча гўшасида мавжуд бўлиб, юртимизга келаётган меҳмонлар ҳаммасини зиёрат қилишнинг имкони йўқ. Ислам цивилизацияси марказида аждодларимиз мероси, таълим-таълим ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин бўлади. Ушбу марказнинг асосий гояси улғун алломаларимизнинг ислом ривожига улкан ҳиссасини тарғиб этиш, тарихимиз, маънавий меросимизга дунё эътиборини қаратишдан иборат. Президентимиз таъкидлаганидек, бу йўлдаги барча сайё-ҳаракатларимиз ёшлар таълим-тарбиясига, халқимиз тинчлик-осойишталиги ва ёруғ келажагига замин яратди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб боришга жалб этилган жамоат тартибини таъминлаш кучлари ва давлат органлари шахсий таркибининг фаолияти даврий равишда сутканинг кундузги вақтидаги иш билан алмаштириб турилади. 3. Концепцияни амалга ошириш доирасида жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва алоқа мобил марказларининг (кейинги ўринларда — мобил марказлар) фаолият юритиши амалиёти жорий этилсин ва улар ички ишлар бўлимлари хизмат кўрсатиш ҳудудларига бириктирилсин.

Куйдагилар мобил марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб бориш давомиди жамоат тартибини таъминлаш кучлари ва жалб этилган давлат органлари бўлимларини назорат қилиш, бошқариш ҳамда уларнинг самарали хамкорлигини ташкил этишда ички ишлар бўлимларига кўмаклашиш;

ҳодиса содир бўлган ёки сигнал берилган жойга жамоат тартибини таъминлаш кучларининг энг яқин патруль гуруҳи дарҳол этиб келишини таъминлаш орқали ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушган ариза, ҳабар ва бошқа маълумотлар бўйича тезкор чора қўриш;

жамоат тартибини таъминлаш кучларини мувофиқлаштириш ва ҳаракатлантириш мақсадига, жумладан, ҳодиса содир бўлган жойга бевосита чиққан ҳолда мобил штаб функцияларини бажариш;

оммавий тадбирларни ўтказишда ва одамлар гавжум жойларда тезкор ва криминоген вазиятни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда бевосита кузатиш ҳамда визуал баҳолашни амалга ошириш;

жамоат тартибини таъминлаш кучлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган ва қидирувдаги жиноятчилар қўлга олинган ҳолларда ички ишлар ва прокуратура органларининг профилактика, тезкор ва тергов бўлимлари жалб этилишини ташкил қилиш.

4. Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича узлуқсиз куну тун хизмат режимини ташкил этиш схемаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари лавозимлари тегишли Ҳавфсизлик бўлими вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ўринбосарлари лавозимларига ўзгартирилсин ҳамда улар зиммасига куйдагилар юқлансин:

жамоат тартибини сақлашнинг, айниқса, сутканинг кечки ва тунги вақтида натижадорлигини таъминлаш бўйича фаолиятни ташкил этиш учун шахсий жавобгарлик;

ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг самарали ва ўзаро боғлиқ фаолият юритишини ташкил этиш бўйича вазифалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги, Мудофиа вазирилиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларини (кейинги ўринларда — жамоатчилик гуруҳлари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин ҳамда ушбу гуруҳлар таркиби:

муддатли ҳарбий хизмати ўташ ниятида мудофиа ишлари бўйича туман бўлимига мурожаат қилган ҳарбий хизматга қақрилувчилар;

республика олий ҳарбий таълим муассасаларига, шунингдек, ички ишлар органларининг таълим муассасаларига кириш истагини билдирган номзодлар;

ички ишлар органларида хизмат қилиш истагини билдирган номзодлар орасидан шакллантирилиши назарда тутилсин. Белгилаб қўйилсинки:

жамоатчилик гуруҳлари таркибига кириш мудофиа ишлари бўйича туман бўлимлари ёки ички ишлар органлари томонидан бериладиган йўлланмалар асосида амалга оширилади;

жамоатчилик гуруҳлари улар фаолият этиб борадиган маҳалла ҳудудида яшовчи ёшлардан шакллантирилади;

жамоатчилик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича жавобгарлик туман ички ишлар органлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ва профилактика инспекторлари зиммасига юқланади;

жамоатчилик гуруҳларининг ҳар бир аъзоси сутканинг кечки ва тунги вақтида белгиланган йўналиш бўйича умумий 100 соатдан кам бўлмаган вақт миқдорини қилишга жалб этилади ва бу хизматга (ўқишга) ҳужжатларни яқуний қабул қилишга асос ҳисобланади;

ўзининг маҳалласида ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда фаол қатнашган жамоатчилик гуруҳи аъзоларига профилактика инспекторлари томонидан фуқаролар йиғинлари раислари билан биргаликда хизматга (ўқишга) танлов ўтказишда инобатга олинмаган тавсияномалар берилиши мумкин.

10. 2018 йил 1 августдан Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида хизмат олиб бораётган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга ҳар ойлик якуни бўйича патруллик ҳудудида оғир ва ўта ўғир жиноятларга бевосита чек қўйилганлиги, уларни аниқлаганлиги ёки фош этганлиги, шунингдек, тергов ва суддан яширинган шахсларни ушлаганлиги учун лавозим маошининг 50 фоизигача бўлган миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш тартиби ўрнатилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди бир ой муддатда Тошкент шаҳар туманлари маъмурий судларининг штат бирикларини қайта тақсимлаш ва қўлайтириш бўйича асослангилар таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирилиги бир ой муддатда:

Тошкент шаҳрида туманлараро суд-тиббий экспертиза пунктларини энг муқоабил жойлаштириш заруратини инобатга олган ҳолда уларни очиб ва фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва Ички ишлар вазирилиги билан биргаликда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг маст ҳолатда эканлигини, жумладан, олиб юриладиган техник воситалар орқали аниқлашнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига сутканинг кечки ва тунги вақтида процессуал ҳаракатларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга маъмурий ҳуқуқ ҳудудларида кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги Миллий гвардия билан биргаликда Концепция талабларини инобатга олган ҳолда икки ҳафта муддатда:

жамоат тартибини таъминлаш кучлари таркибида биргаликда патруллик хизмати ўташ тартибини, жумладан, автомобилларда ва пиёда патруллик қилишининг аралаш усуллари механизмни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

амалдаги патруль йўналишларининг жойлашувини ўзгарувчан оператив ва криминоген вазиятга мувофиқ тарзда жамоат тартибини сақлаш кучларини тезкор ҳаракатлантириш механизмини жорий этган ҳолда қайта қўриб чиқсин;

сутканинг оралик вақтига мувофиқ жамоат тартибини таъминлаш кучлари шахсий таркибининг қайта тақсимланшини таъминласин;

сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб борилиши устидан таъбирчан назоратни таъминлаш бўйича ўз хавфсизлиги бўлимларини фаолиятининг самарадорлигини ошириш чораларини кўрсин.

19. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Концепцияга мувофиқ сутканинг кечки ва тунги вақтида хизмат олиб бораётган ҳамда фаолият юритаётган ходимлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оқватланшини ташкил этиш ва бунинг учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий суди ва Ички ишлар вазирилиги билан биргаликда икки ой муддатда:

а) куйдагиларни назарда тутган ҳолда муқаддам судланган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш:

шахси муқаддам судланган деб топишда қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш;

ўқишга, ишга киришда ёки бошқа ҳолларда судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлиги олиб ташланган шахсларнинг судланганлиги ҳақидаги маълумотларни ёзиб қўйиш амалиётига барҳам бериш;

муқаддам судланган шахслар томонидан жиноят содир этганлик учун жавобгарлик чораларини қўлайтириш;

б) сутканинг кечки ва тунги вақтида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш тартибини соддалаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги, Мудофиа вазирилиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бир ой муддатда «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳларининг фаолият юритишини ташкил этиш тартиби, фаолиятини баҳолаш механизми ва мезонларини белгилайдиган «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилиги «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплексини амалга ошириш жараёнида Тошкент шаҳрининг барча ички ишлар бўлимларини шахсининг юзини ва транспорт воситаларининг давлат рақами белгисини интеллектуал таниб олиш тизими билан жиқлашни назарда тутсин.

23. Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш республика комиссияси (Н. Йўлдошев) Тошкент шаҳрида Концепция самарали амалга оширилишининг тизимли мониторингини таъминлаш ҳамда 2018 йил якуни бўйича бундай амалиётни республиканинг бошқа ҳудудларида жорий этиш юзасидан таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги билан биргаликда бир ой муддатда ички ишлар органлари патруль-пост ва йўл-патруль хизматларининг жамоат тартибини сақлашда намуна кўрсатган ходимларига маҳаллий ишлаб чиқарилган арзон энгил автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун имтиёзли кредит бериш бўйича таклиф киритсин;

бир ой муддатда мобил марказлар ишини ташкил этиш тартибини тасдиқласин, бунда улар томонидан жамоат тартибини таъминлаш кучларининг ўзаро мувофиқлашган хамкорлигини ташкил этишнинг уйғун механизмлари ва уларнинг ҳуқуқбузарликларга тезкор муносабат билдириши назарда тутилсин;

бир ой муддатда ушбу қарор талабларини инобатга олиб, пул мукофоти тизимининг аниқ мезонларини назарда тутган ҳолда, жамоат тартибини таъминлаш кучларининг фаолиятини баҳолаш тартибини белгилайдиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин;

ички ой муддатда республика ички ишлар органларининг амалдаги штат бирикларини танқидий қайта қўриб чиқсин ҳамда Тошкент шаҳар ички ишлар органлари патруль-пост ва йўл-патруль хизматларининг тузилмасини такомиллаштириш ва штат бирикларини уларнинг реал иш ҳажминини ҳисобга олган ҳолда қўлайтириш бўйича чора-тадбирларни кўрсин;

ички ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ички ишлар органлари патруль-пост хизматлари бўлимларини индивидуал ҳимоя ва фаол мудофаянинг замонавий махсус воситалари билан жиқлаш дастурын киритсин;

уч ой муддатда комплекс таҳлил асосида Тошкент шаҳар ички ишлар органлари патруль-пост ва йўл-патруль хизматларининг автомобиль паркни бошқичма-бошқич қайта жиқлаш ва мустақамлаш бўйича таклиф киритсин.

25. Белгилансинки, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар бюджет маблағлари, манфаатдор вазирилик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши хотиви В. В. Махмудов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маъмуриятининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П. Р. Бобононов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 19 июнь

Халқимиз

осойишталиги йўлида



Президентимизнинг шу йил 19 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятли бўлди.

— Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳрида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг изчил хамкорлигида ушбу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилди, — дейди Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари Азизхон Умархонов. — Энг асосийси, қирқдан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Бундан ташқари, Ички ишлар вазири ўринбосари — ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ҳар ўн кунда халқ олдига ҳисобот бериши ҳамда ташкил этилган ички ишлар идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаларининг бошлиқлари ҳар чорада, уларнинг ўринбосарлари эса ҳар ойда халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида ҳисобот беришлари тўлиқ йўлга қўйилди. Ички ишлар бош бошқармаси қўйи тизимлари барча шахсий таркибининг 75 фоиз хозирги кунда ташкил этилган ички ишлар бўлимларига тушириб берилди. Навбатчилик қисмлари йўлга қўйилди. Мақсадимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эриқликларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Бу сайё-ҳаракатларнинг амалий натижаси ўларок, Тошкент шаҳрида ўтган 47 фойиз умумий ҳисобда жами 3020 та жиноят содир этилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2680 тага, яъни 47 фойиз камайишига эришилган. Жумладан, талончиликлар 60 фойизга, ўғирчиликлар 53 фойизга, фирибгарчиликлар 39 фойизга, безориликлар 54 фойизга, энгил тан жароҳати етказиш жиноятлари 36 фойизга, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш жиноятлари 55 фойизга камайган. Жиноятларнинг фош этилиши даражаси эса 94 фойизни ташкил этади.

Албатта, соҳада эришилган натижалар, ҳусусан, жиноятларнинг қарийб 50 фойизга пайсаяни қилшини қўнғтириди. Лекин битта бўлса ҳам у барбир жиноят, ҳар бир қонунбузарлик ортида эса инсон, қўйинги, бутун бир оила тақдири, жамиятимиз осойишталиги туради. Президент қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Хавфсиз пойтахт» концепцияси эса куну тун бирлашган патруллик хизматларини йўлга қўйиш орқали пойтахтимизни хавфсиз ҳудудга айлантиришга хизмат қилади.

Тан олиш керак, сутканинг, айниқса, кечки ва тунги вақтларида ҳуқуқ-тартибот органлари куч ва воситаларининг тезкор ҳаракати, уларнинг дислокацияси ҳамда қўйилган вазифаларни ижро этиш сифати етарлиқ самарадор эмаслигини амалиётнинг ўзи кўрсатмоқда. Агар кейинги 5 ой мобайнида Тошкент шаҳрида рўйхатга олинган жиноятлар таҳлил қилинганди, кечки ва тунги вақтларда қасддан одам ўлдириб 8 тага, қасддан оғир тан жароҳати етказиш 32 тага, қасддан ўртача тан жароҳати етказиш 20 тага, энгил тан жароҳати етказиш 23 тага, босқинчилик 6 тага, талончилик 13 тага, ўғирчилик 18 тага, транспорт воситаларини олиб қочиш 11 тага, безорилик 40 тага ошганига гувоҳ бўлиш мумкин.

— Тунги жиноятлар асосан кўнғил-очар масканлари ва жамоат жойларидаги безорилик ҳамда ўғирчиликлардан иборат, — дейди Олмасор тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акмал Бахромов. — Авваллари бир нечта маҳаллалар ҳудудини назорат қилиш ишларига биргина профилактика инспектори билан йўналиши пост патруль хизмати ходимлари жалб этиларди. Қарорга асосан эса келгусида назорат ишларини тунги вақтда янада изчиллик билан олиб бориш кўзда тутилган. Бу ўз навбатида, тунги вақтда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ҳудудларда биронта ҳам жиноят содир этилмағлини таъминлашга хизмат қилади.

«Ўзбекистон — кенг қўламли ислоҳотлар мамлакатини»

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Нашрда Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишлари — таълим, она тили ва болаликни муҳофаза қилиш соҳалари ривожига ҳуқуқуқбузарликлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисидаги қарори билан биргаликда ушбу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилди, — дейди Тошкент шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари Азизхон Умархонов. — Энг асосийси, қирқдан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Бундан ташқари, Ички ишлар вазири ўринбосари — ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ҳар ўн кунда халқ олдига ҳисобот бериши ҳамда ташкил этилган ички ишлар идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаларининг бошлиқлари ҳар чорада, уларнинг ўринбосарлари эса ҳар ойда халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида ҳисобот беришлари тўлиқ йўлга қўйилди. Ички ишлар бош бошқармаси қўйи тизимлари барча шахсий таркибининг 75 фоиз хозирги кунда ташкил этилган ички ишлар бўлимларига тушириб берилди. Навбатчилик қисмлари йўлга қўйилди. Мақсадимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эриқликларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Бу сайё-ҳаракатларнинг амалий натижаси ўларок, Тошкент шаҳрида ўтган 47 фойиз умумий ҳисобда жами 3020 та жиноят содир этилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2680 тага, яъни 47 фойиз камайишига эришилган. Жумладан, талончиликлар 60 фойизга, ўғирчиликлар 53 фойизга, фирибгарчиликлар 39 фойизга, безориликлар 54 фойизга, энгил тан жароҳати етказиш жиноятлари 36 фойизга, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш жиноятлари 55 фойизга камайган. Жиноятларнинг фош этилиши даражаси эса 94 фойизни ташкил этади.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган Президент қарори Тошкент шаҳрида ҳуқуқ тартибот органлари хизмат фаолиятини ташкил этишнинг кечки ва тунги вақтларида ўзаро яқин ҳаракатларнинг самарадор механизми жорий этиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда инновацион усуллардан кенг фойдаланишни назарда тутди. Қарорга мувофиқ ишлаб чиқилган «Хавфсиз пойтахт» концепцияси эса шу йилнинг 1 июлидан, Тошкент шаҳрида синов тарихисидида таътиқ этилади. Унга кўра, бир суткада 3 сменалик узлуқсиз патруль хизмати йўлга қўйилди, соат 16:00 дан 08:00 гача бўлган вақтда назоратни қўлайтириш мақсадига эса Ички ишлар органларининг ИПХ ва ППХ ҳамда Миллий гвардия бўлимларининг 70 фойиздан кам бўлмаган саф қисмлари жалб қилинади. Бундан ташқари, сутканинг кечки ва тунги вақтларида Ички ишлар ва прокуратура органларининг профилактика, тезкор-тергов бўлимларини, маъмурий судлар, адвокатура, шунингдек, судга доир тиббий экспертиза хизмати ходимлари ҳам фаолият олиб боради.

Қарорга мувофиқ, жойларда Алоқа ва жамоат тартибини сақлаш кучларини мувофиқлаштириш мобил марказлари фаолиятини йўлга қўйилмоқда. Мазкур ҳаракатлануви мобил марказлар кечки ва тунги вақтларида хизмат ўташга жалб қилинган жамоат тартибини сақлаш кучларини назорат қилишда, уларни бошқариш ва самарали ҳаракатини ташкил этишда Ички ишлар бўлимларига кўмаклашади.

Халқаро Геллап ташкилотини томонидан тузилган сўнги рейтинг натижаларига кўра, Ўзбекистон — дунёнинг энг хавфсиз мамлакатлар беш-талигидан ўрин олди. Бу мамлакатимизда тинчлик-хотиржамликни таъминлаш борасида олиб борилаётган сайё-ҳаракатларнинг халқаро майдондаги этирофи ҳамидир. «Хавфсиз пойтахт» концепцияси эса мамлакат миқёсида қарор топаётган тинчлик ва осойишталикнинг чинакам муқаддимаси бўлиб қолади, десак асло муболаға бўлмайд.

Бугунги кунга қадар жаҳондаги 20 дан ортиқ ҳудди шундай марказлар билан алоқа ўрнатди. Жумладан, Англияда Кембриж университетини, Оксфорд ислом тадқиқотлари марказини, Британия музейи ва кутубхонаси, Истанбулдаги катор илмий-теқшириш институтлари, Тўнқоқи музейи, Франция ислом маркази, Париждаги Лувр музейи, Париж миллий кутубхонаси, Санкт-Петербургдаги Эрмитаж давлат музейи ва бошқа катор етакчи музейи билан хамкорлик йўлга қўйилди, 7 та меморандум имзоладик. Марказ кутубхонаси учун 400 дан ортиқ нодир қўлёзмалар харид қилинди, юртдошларимиз ўзларидидаги қўлёзма нусхаларини ҳади этмоқда. Улар орасида Бобурийлар даврида Дехли ва

жараёнлари, сўнги йилларда миллиятлараро тотувлик ва аҳилликни мустаҳкамлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар билан таништирилади. Шу билан бир қаторда, фуқароларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва давлат органлари билан мулоқот механизми билан ривожлантириш борасидаги сайё-ҳаракатларга ҳам тўхталиб ўтилган. Президентимиз ташаббуси билан таъсис қилинган Халқ қабулхоналарининг самараси ҳақи эътироф этилган. Журналистик алоҳида бўлимида ўзбек халқининг қўйи асрлик удумлари ва аъналарини, мамлакатнинг юқсалиб бораётган сайёхлик салоҳияти ҳақида ҳикоя қилинади. Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари, амалий санъат намуналари, миллий ошлақлик ҳамда пазандалик санъатимиз чиройли тарзда тасвирланган.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

дан асраш, оғоҳликка қорлаш, Ватанимизга содик, миллий аъна, қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялан — ёшларга оид давлат сиёсатининг пиرويар мақсадидир. Шу маънода, мамлакатимизда ислом дини, унинг маъно-маъмузини тўғри таълиқ ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган сайё-ҳаракатларнинг аҳамияти беҳис.

Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази биз, навқирон авлод вақиллари қамолотида ҳам муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз, Чунки Президентимиз маросимда мазкур маъмуни бунёд этишдан қўзланган мақсад ҳақида сўз юритиб, ҳамма сайё-ҳаракатларимиз ёшлар таълим-тарбиясига, илм-фанга, маданиятга, тинчлик-осойишталикка замин яратишга қаратилган, дея алоҳида қайд этиди.

Марказ биноси юртимиздаги қадимий мадрасалар кўринишида, гумбази қилиб қурилади. Кутубхона, ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар, конференция зали, хизмат хоналари ва бошқа объектларни ўз ичига олади. Демак, бу концепцияда улўғ алломаларимизнинг меросини халқимиз, айниқса, навқирон авлодга етказиш гоёси мустаҳкам ифодасини топган. Умуман, ёшларимиз Ватанин семвоқни имондан билди, халқига, давлатига садоқат билан хизмат қилиш салоҳиятига ега бўлиб воёга етишда Ислам цивилизацияси маркази муҳим ўрин тутганига ишончим қомил.

Матназор ЭЛМУРОДОВ (ўзА) ва Омонулло ФАЙЗИЕВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

БИЗНЕС ФОРУМИ

Пойтахтимизда "Кўп томонлама ҳамкорлик" мавзусида Ўзбекистон - Испания бизнес форуми иш бошлади.

ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Испания ташқи савдо агентлиги (ICEX), Испаниянинг Ташқи ишлар вазирлиги ва савдо департаменти томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Испаниянинг қўмитаси ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда саноатнинг турли соҳаларига ихтисослаштирилган йиғирмага яқин компаниялари вакиллари қатнашди.

Испания ташқи савдо агентлиги давлат ташкилот бўлиб, у мамлакат тадбир-корларига халқроқ завоқорликни ҳамда яқиндан кўмак бериб келади. Бугунги форумдан кўзланган мақсад ҳам икки мамлакат ўртасида энергетика, транспорт инфратузилмаси, сув таъминоти, қаттиқ чикиндиларни бошқариш, қурилиш, озик-овқат саноати ва қишлоқ ҳўжалиги каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан иборатдир.

Зирлик ва идоралари мута-сиддилари томонидан савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш борасида истиқболдаги им-кониятлар муҳокама этилди.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларга кенг йўл очил-моқда, — дейди "Multiscap Technologies, S.L" компания-сининг минтақавий менежер-и Хуан Антонио Гosal'бес Сельес. — Бунда яратилаёт-ган кулай шарт-шароитлар муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Булар ҳусусида келишимдан олдин юртингиз ҳамда халқ-аро ташкилотлар томонидан тақдим қилинган маълумотлар асосида билиб олдим.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан "B2B" форматда музокаралар ўт-казилган унинг янада самар-али кечилиши таъминланди.

Ташкилотчиларнинг айти-шича, ушбу бизнес форуми яқин келажакда ўтказилиши кўтилаётган Ўзбекистон Республикаси ва Испания Қироллиги ўртасида иқтисо-диёт ҳамда саноат соҳасида ҳамкорлик бўйича ҳўкumat-лараро комиссиясининг биринчи мажлисига ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Дилшод УЛУГМУРОВО, «Хақ сўзи» мухбири.

Сенатор мушоҳадаси

Биронта ҳам бола қайд этилмади қолмаслиги керак

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш давлaтнинг муҳим вазифасидир. Бу аҳоли табиий ҳаракат-лавишнн статистикасини юритишининг энг яхши манбаси бўлиб, ўз навбатида, давлат хизматларини самарали кўрсатиш устуворликлари юзасидан қарорлар қабул қилишда пойдевор вазифасини ўтайди.

Фуқаролик ҳолати далолат-номаларини қайд этиш тизими давлат бошқаруви ва инсон ҳуқуқларини изчил амалга оши-риш соҳасида муҳим роль ўйнайди. Ишонч қийин, бироқ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташки-лоти маълумотларига кўра, ҳозир дунёда ўлим ҳолатининг учдан икки қисми ва туғилишининг 40 фоизи қайд этилмаяпти, бу эса, жиддий иж-тимоий муаммоларнинг энг би-ринчи сабабига айланмоқда.

ФХДЭ органларида қайд эти-ладиган туғилиш, никоҳ тузиш, уни бекор қилиш, оталиқни бел-гилаш, исм ўзгартириш каби во-қеалар хар бир инсоннинг қал-бида из қолдиради. Кишининг фуқаролик ҳолатига қараб дав-лат уни ҳуқуқий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўламини, ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларини таъминлашни белгилаб олади. Шу муносабат билан шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси, ижтимоий ва бошқа соҳалар самарали фаолият кўрсатиши фуқаролик ҳолати далолатномаларининг узлуқсиз ва сифатли қайд этилишига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Ўзбекистонда ФХДЭ органла-ри тузилмаси яратилгани ту-файли туғилиш, ўлим, никоҳ қуриш, никоҳни бекор қилиш каби энг муҳим воқеа ва факт-ларни қайд этиш имконини бе-радиган яхлит тизим яратилди. Адлия вазирлиги маълумотла-рига кўра, бугун мамлакатимиз-да 231 та ФХДЭ бўлими фао-лият кўрсатмоқда. Утган йил мобайнида улар томонидан 1 миллион 200 дан ортқ фуқаролик ҳолати далолатно-маси қайд этилди.

Айни вақтда бир қатор жид-дий камчиликлар тизимга бугун-ги кун талабларига мувофиқ келиш имконини бермаяпти. Бу махсус ҳуқуқий базанинг йўқли-ги, АКТни жорий этишининг паст даражаси, идоралараро ҳамкор-ликнинг сустлиги, самарали назорат механизмнинг йўқли-ги ва бошқа сабаблар билан изоҳланади.

Мазкур соҳани тубдан тако-миллаштириш Ҳаракатлар стратегиясида устуворликлар-дан бири сифатида белгилаб қўйилган. Президентимизнинг 2018 йил 13 апрелдаги Фармо-нига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб ФХДЭ орган-лари туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тасарруфига ўтказилади. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш, услубий таъминлаш, "ФХДЭ я-гона электрон архиви" ахборот тизимини юритиш ва ФХДЭ ар-

хивларини бошқариш вазифала-ри Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги зиммасига юкланган.

2018 йил 12 июнь кунн давлaтимиз раҳбари мазкур соҳани тубдан модернизация қилишга доир гадаги чора-тад-бирлар дастурини тасдиқлаган қарорни имзолади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва комму-никацияларини ривожлантириш вазирлигига манфаатдор вазир-лик ва идоралар билан бирга-ликда 2019 йил 1 январдан бошлаб ФХДЭ органлари билан туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алма-шишни йўлга қўйиш, шунингдек, туғилиш ва ўлим ҳақида ягона ноб кодли унификацияланган электрон маълумотнома тақдим этишининг ягона тартибининг жорий қилиш топширилди.

2019 йил 1 январга қадар фертиль ёшдаги аёлларни ҳисобга олиш ва ҳомиладорлик-нинг эрта босқичидан чақалоқ туғилгунига қадар ҳисобини олиб боришининг автоматлашти-рилган ахборот тизими ярати-либ, у "ФХДЭ ягона электрон архиви" ахборот тизими билан интеграция қилинади.


Жойларда туманлар (шаҳар-лар) ҳокимлари бошчилигида ҳудудий комиссиялар тузилиб, улар 2019 йил 1 июлга қадар қайд этилмаган туғилганлик, ўлим ҳолатларини аниқлаш учун туғил хатловдан ўтказиш, унинг натижалари бўйича туғилганлик, ўлим ҳолатларининг қонун ҳў-

жатларига мувофиқ аниқ мақ-сада қайд этилиши таъминла-нади. "Биронта ҳам бола қайд этилмасдан қолиши мумкин эмас" ва "Туғилганликнинг қайд этилиши — бола ҳуқуқларини рўёбга чиқарилишининг ва фуқаролик бўлмағилининг олди-ни олишининг ҳуқуқий асосидир", деган гоёлар комиссиялар фаолиятининг принципларига айланиши керак.

Давлат хизматлари агентли-ги 2022 йил 1 январга қадар "ФХДЭ ягона электрон архиви" ахборот тизимига бирлашти-риш учун ФХДЭ органларида сақланаётган фуқаролик ҳола-ти далолатномалари ёзув-ларини ракамли қўринишга ўтказишни якунлаши, ФХДЭ-нинг ягона электрон архив фондини шакллантириши лозим. 2019 йил 1 январдан бошлаб бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома қайд эти-лишида чақалоқларга жисмоний шахснинг шахсий идентифи-кация рақами берилиши амалиётга жорий этилади.

Тасдиқланган чора-тадбир-лар дастурининг аниқ амалга оширилиши мамлакатни илдам-лик билан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларига жавоб берадиган фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишининг замонавий ва энг самарали моделини яратиш имконини беради.

Қомила КАВЛАНОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.



Медиацнция низоларни ҳал этишга кўмаклашади

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Медиацнция, бу — низоларни ҳолис, манфаатдор бўлмаган учинчи бир томон, яъни муайян келишувга эришишга ёрдам берадиган медиатор иштирокида ҳал этишининг мўқобил шаклларида биридир, — дейди "Centil.law" адвокатлик фирмаси юристи Шерзодбек Масадиков. — Медиацнция услуб-лари, асосан, музокаралик ҳамкорлик йўлига бўриб юбориш ва ўзаро манфаатли натижага йўналтиришга таянади. Медиатор эса томонлар бир-бирининг нуқтаи назари ҳамда қарашларини тушунишга кўмаклашади, муаммонинг самарали ечимини излайди.

Қонун фуқаролик, меҳнат, оилавий-ҳўқуқий, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низоларда медиацнция қўллаш билан боғлиқ муносабатларга таътиб қилинади. Айни чоғда жамоат манфаатларига ва медиацнцияда ишти-роқ этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига даҳл қиладиган ёки даҳл этиши мумкин бўлган низоларга нисбатан таътиб қилинмайди.

Медиацнция институтн бугунги кунда дунё-нинг кўпгина мамлакатларида, хусусан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Австрия, Япония, Хитой, Гонконг, Корея Республикаси, Хиндистонда ташкил этилган ва муваффақи-ятли фаолият кўрсатмоқда.

Иши гуруҳ йиғилиши якуни бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Эмёда АШУРОВА.

ЖАМИЯТНИНГ ИШОНЧИ ВА ТАЯНЧИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзаро муносабатлар мезони

Шубҳасиз, ўсмирларнинг руҳий шакл-ланиши билан боғлиқ муаммолар ота-она-ларни ташвишга солмоқда. Сўровнома нати-жаларига қараб ҳулоса қилиш мумкинки, ота-оналар ва болалар ўртасида фарзандлар-нинг айнан шу давридаги муносабатлар кўпчилик юртдошларимизни ўйлантиради. Қайд этилишича, авлодлар ўртасидаги мураккаблик ҳамда зиддият кўп ҳолларда ўсмирлик давридаги фарзанд энди бошқача — ўзаро ишонч ва ҳўрмат асосига қурилган муносабатларни талаб қила бошлаганини ота-оналар англаб етмагани натижасида яна-да кучаймоқда. Усмирлик ёшдаги фарзанд-ди бор хар икки респондентдан бири тарбия-да муаммоларга дўч келётганини тан олди. Уларнинг учдан бири ўсмирларнинг моддий талаблари ошиб кетаётганидан, ўн фоизи эса — дарсдан қочиш, мактабдаги ўзлаштириш ва ёмон ҳулқ билан боғлиқ муаммолар, қу-чан-нинг салбий таъсири кабилардан ташвишга тушган.

оналарнинг кўпчилик қисми жисмоний жазо берилишини ёқламаслиги ҳам эътиборга молик.

Меҳр ва эътибор зарур

Бола тарбиясига етарлича эътибор ҳамма оилаларда ҳам бор, деб бўлмади. Бундан ташқари, айримлар, ҳатто, болалари оилавий тадбирлар ёки ота-онага ҳўжалиқда ёрдам-лашиш учун мактабга боролмай қолаётгани-ни ҳам тан олган.

Ота-оналарнинг деярли учдан бири бола-си бўш вақтида нима қилаётгани, мобил телефонидан қандай фойдаланаётгани билан қизиқмаслигини айтган ва фарзандига тўла ишонини бунга сабаб сифатида кўрсатган. Респондентларнинг 42,8 фоизи боланинг таълим-тарбияси билан боғлиқ оилавий муаммоларини ҳал этишда ота ҳамда она тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак, деб ҳисоб-лайди. Бироқ сўровнома бола тарбияси бўйича асосий юк ҳамон оналар зиммасига тушаётганини кўрсатди. Сўралганларнинг 4,5 фоизига оила бошлиғи фарзанд тарбиясига етарлича вақт ажратаётганини айтган.

Фарзанд — жондан азий

Сўнгги пайтларда ота-оналарни ўйлантираётган яна бир муаммо, бу — бола-ларнинг интернетга боғланиб қолаётгани-дир. Ота-оналар ҳамда ўқитувчилар билан ҳам, ўз тенгдошлари билан ҳам муноса-батларда қийинчиликлар айнан шундай ёшларда кўпроқ кузатишмоқда ва бу улар-нинг руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатапти.

Иштирокчилар ҳозирги болалар шахсия-тидаги энг салбий ҳусусиятлар сифатида кўйидаги жиҳатларни қайд этган: маданий-ахлоқий ҳулқ-атворида улғайишни истамас-лик ҳолати (17,8 фоиз), ахлоқ қоидаларини бузувчи хатти-ҳаракатларни ёқлаш (17,4 фоиз), ҳуқуқбузарликлар, хусусан, психотроп ҳамда гўёвандлик воситаларини истёмол қилган ҳолда жиноят содир этиш (10,1 фоиз), ҳуқуқий маданиятсизлик (10,3 фоиз), ота-оналар ва катталарни менсимаслик (9,7 фоиз) кабилар.

Сўров натижаларига кўра, ота-оналарнинг 53,7 фоизи болаларини қилган ҳатолари учун жазолайди, камдан-кам ҳоллардагина (6,5 фоиз) ўсмирларга тушуниш бериш-ча, уларнинг тилини топишга ҳаракат қиладилар. Жавоб берганларнинг ҳар ўн-тадан биттиси жисмоний жазо қўллашини тан олган. Бунга сабаб сифатида гапга кирмас-лик (45,6 фоиз), бегорилиқ (18,2 фоиз), че-киш, ичиш ва гўёвандлик (7,6 фоиз) ҳолат-лари кўрсатилган. Сўровда қатнашган ота-

Замон шиддати тез

Бугун болаларда ўқиш, маданий-маъри-фий тадбирлар, спорт ва уй ишлари билан боғлиқ юкнинг кўпайиши уларнинг бўш вақтини жадаллаштириб қўйган. Чунюнки, ота-оналарнинг тасдиқлашича, хар беш боладан бирида бўш вақт умуман йўқ. Сўров-нома натижаларига қараганда, ўсмирлар бўш вақтларини спорт, чет тилларни ўрганиш, мусика мактабларига сарфламоқда, бундан ташқари, сўнгги пайтларда китоб ўқиш ҳам яна урфага кир бошлаган.

Айни пайтда ўсмирларнинг 31,4 фоизи бирор-бир жиддий фаолият ва машғулотлар билан банд эмаслиги ҳам маълум бўлди. Ҳолбуки, бу ёшда бирор фойдали иш билан банд бўлиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқбузарликлар кўп ҳолларда мунтазам равишда дарс қолдирувчи, ҳеч нарса билан машғул бўлмаган ёшлар томонидан содир этилаётганини ҳам мазкур сўровнома кўрсатиб бериди.

Муаммоли оилаларда ота-она, педагоглар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодим-лари ҳамда жамоат ташкилотларининг биргаликдаги ҳаракатлари билангина ўсмир-ларни ҳуқуқбузарликдан қайтариш мумкин. Фуқароларнинг фикрича, маҳаллаларда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик профи-лактикаси бўйича тизимли ўқув ва ахборот-маърифий тадбирларни давом эттириш, ёшлар бандлиги ҳамда мазмунли дам олишини таъминлаш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш керак.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида Ботир ГОУБОВ таъйинланди.

Интилиш

Анджон вилоятида "Хар бир оила — тадбиркор" дастури ижроси учун Тикланиш ва тарақиёт жамғармаси ҳамда бир қанча хорижий молия институтлари томонидан 100 миллион АҚШ дол-лари миқдорнда маблағ ажратилди.

Дастур ижроси — амалда

Чорвачилик, қуёнчилик, парран-дачилик, баличилик, касаларичи-лик, сарторошлик, асметология хизмати, косибчилик, тунуқасоз-лик, ёғоч ва алюминий профи-лдан эшик ҳамда ромлар тайёрлаш, заргарлик, иссиқхоналар қуриш, боғ ва тоқзорлар яратиш, авто-сервис устахоналари очиш,

қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби йигирмадан ортқ йўналишларда тадбиркорлик фаолиятини юритиш янада кенгайди.

— Бизда сув яхши, — дейди Қўрғонтепа туманилик Абдураҳим Хўжамабдиев. — Имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, интен-


сив усулда балық етиштиришга қарор қилдик. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳи 878 та маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли-нинг бугунги турмуш тарзи ва имко-ниятларини ўрганиб чиқашди.

Саминжон ХУСАНОВ, «Хақ сўзи» мухбири.

«ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» ТАМОЙИЛЛАРИ

электр энергияси рентабеллигини ошириш, таъминот барқарорлигига эришишга хизмат қилади


Кейинги ўн йилликда электр ҳамда иссиқлик энергиясига бўлган талабнинг ортбн бораётгани янги ва юқори самарали иссиқлик электр станци- (ИЭС)лари қурилишини жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Негаки, бу жараён-да ишлаб чиқариш ҳаракатлари ҳам кўпайиб кетаяпти. Айни пайтда ИЭСда қўлланлаётган ёқилғи таркибида табиий газ улуғи 91 фоизи, кўмир 8 фоиз-ни, мазут эса атиги 1 фоизни ташкил этаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Шу боис 2022 йилга қадар ИЭСнинг табиий газга бўлган боғлиқлигини камаййтириб, кўмир билан барқарор энергия таъминотини ошириш бўйича махсус дастур ҳавитга таътиб қилинаётир. Чунки ҳисоб-китобларга қараганда, юртимизда ҳаттиқ ёқилғи захиралари табиий газникидан уч баробар, нефтникидан эса беш баробар кўп экан.



ИННОВАЦИЯ

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энер-гиясининг 20 фоизи Янги Ангрэн ва Ангрэн ИЭС хис-сасига тўғри келади. Улар 1950 — 1985 йиллар мобай-нида қурилган бўлиб, Ангрэн кўмир қонидан қазиб олинаятган кўнги кўмининг 85 фоизи ушбу станциялар-га узлуқсиз равишда етказиб берилади. Кўнги кўмининг ўртача қурилиқ даражаси 22 — 45 фоизни ташкил қила-ди. Йил фаслига қараб, хар кеча-кундузда мазкур ИЭСда 5 миңдан 15 миң тоннага-ча кўмир ёқилади. Бунинг натижасида ҳосил бўладиган тутун газлар ва кул ташлан-малари ҳудуднинг экологик ҳолати, ҳавонинг ифлослани-ши ҳамда инсон саломатли-гига салбий таъсир кўрсат-май қолмайди, албатта.

Шунинг учун амалиётга "яшил иқтисодиёт" тамойил-ларини қўллаш, инновацион ишланмаларни таътиб эти-шга жиддий эътибор қарати-лмоқда. Ишланмаларимиз махсули бўлган кўмининг ин-теграл газлаштириш техно-логияси ҳам ўшбу мақсадга қаратилган. Яъни у ИЭСда қўлланилса, тутун газлар, кул ташланмаларини камайити-риб, ишлаб чиқарилаётган электр энергияси рентабел-лигини ошириш, энерготая-миноти барқарорлигига хизмат қиладн. Айтайлик, агар оддий ИЭСнинг рента-беллиги 34 фоиз бўлиб, йи-лига 7767ГВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилса, кўмининг интеграл газлашти-риш технологияси билан иш-лайдиган ИЭСнинг рентабел-лиги 48 фоизни ташкил этиб, йилига 10965 ГВт/соат



Кўмининг интеграл газлаштириш технологияси асосида иссиқлик электр станцияларининг рентабеллиги 48 фоизга етказилиб, йилига 10 миң 965 ГВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади, ис газн 79,6 фоиэ камайитирилиб, азот, олтингурут ва кул ташламалари 100 фоиэгача ушлаб қолинади.

электр энергияси ишлаб чиқарилади. Эътиборли ҳамда иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда қўллаш орқали эса ИЭСда умумий ёқилғи сарфини 46 фоиэга-ча қисқартирса бўлади. Бошқача айтганда, ишлаб чи-қаришга салкам 2 баробар қамроқ ёқилғи сарфланиб, Ангрэн кўмини, Бухоро таби-ий газн ҳамда Фаргона ма-зутини тежаш имконияти юзага келади.

Таъкидлаш керакки, ис-сиқлик электр станцияси эътиёжи ва қурилмаларни совишти учун ҳис ресурси

нинг иссиқлик даража-си кўминрикидан ҳам юқори — 3500 килокало-рияни ташкил этади. Шу маънода, уни кўмир ва табиий газнинг маълум қисми ўрнига ёқилғи сифатида қўлланилиши электр энергияси тан-ларининг пайсийлиги, экологийнинг яхшилани-шига олиб келади. Бу орқали қазилма бойлик-ларимиз тежаланиш ба-ро-барига, шаҳар атрофида чи-қиндилар йиғилишининг ҳам олди олинади. Энг муҳими, зарарли газлар, токсик кимёвий моддалар ва оғир металл ташланмаларини ка-майитириб, чиқиндилар асоси-да қурилиш моллари, кимё-вий, ёқилғи-мойлаш матери-аллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бу орқали ички бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш мумкин.

Кўриниб турибдики, кўминри интеграл газлашти-риш технологияси нафакат кўмир ва табиий газни иқти-сод қилиш, балки синтетик газлар ишлаб чиқариб, аҳоли ҳамда иқтисодиёт тармоқ-ларининг ёқилғига бўлган талабни арзон ресурслар билан таъминлашда қўл келади. Амалиётга бу каби қичкитсиз технологиялар, "яшил иқтисодиёт" тамойил-ларининг жорий этилиши эса пировардида иқтисодий са-марадорликка олиб келади.

Азиз РАҲМОНОВ, «Yangi Angren IES» АЖ ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиги Уринбосари.

ҲАЁТ ДАВОМИДА КЎРИШ КЕРАК БЎЛГАН ШАҲАР

◀(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Сайёҳга нима қизиқ?

“Шарқ гавҳари” дея таъриф берилган қадимий ҳамда навқирон Хивани томоша қилиш учун Хоразмга ташриф буюрсангиз, саёҳатингизни, албатта, “Ичан қалъа”дан бошлайсиз. Бу қўнча шаҳарнинг шарқона руҳини ҳис этиш учун унинг бозорларини, миллий хунармандчилик сабоқлари ўтказиладиган махсус мактабларини кўчалари бўйлаб сайр қилишингиз мумкин. Айниқса, ноёб осориётларга бой Хива музейлари жаҳон сайёҳларини ҳайратга солаётгани ҳам ҳақиқат.

Хива музейи фондидида 39 мингга яқин экспонатлар сақланмоқда. Уни бир бор кўриш учун дунёнинг турли бурчақларидан келатган сайёҳлар оқими йилнинг тўрт фаслида ҳам тўхтамайди. Жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида бу шаҳарга 515 миң 800 нафар, жумладан, 32 миң нафар чет эллик сайёҳ ташриф буюргани фикримиз тасдиғидир. Хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланиши, турли маданий томошаларнинг уюштирилиши натижасида хорижий сайёҳларнинг вилоятда қолиш давомийлиги 2012 йилда ўртача 1,1 суткани ташкил этган бўлса, жорий йилда 2 суткага етди. Бу эса янги иш ўринлари яратилиб, қўшимча валюта тушуми пайдо бўлди, савдо ва хизматлар ҳажми ҳам ортди, деганидир.

Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, Хоразм вилояти туристик экскурсия ресурсларининг зичлиги ҳамда улар таркибидидаги тарихий-меъморий объектилар кўрсатиши бўйича мамлакатимизда биринчи ўринда туради. Хоразмда неолит давридани то XIX асргача бўлган даврни қамраб олган 254 та маданий мерос ёдгорлиги бўлиб, уларнинг 18 таси археология, 132 таси меъморчилик, 66 таси ҳайкалтарошлик, 6 таси диққатга сазовор жойлар ва 32 таси муқаддас қадимкорлардир. Уларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган моҳир усталар реставрация ҳамда таъмирлаш ишларини олиб борапти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майда қабул қилинган “Хоразм вилоятидаги “Нуриллобо” тарихий мажмуасини реконструкция ва реставрация қилиш тўғрисида”ги қарори асосида ушбу масканда ҳам кенг қўламли таъмирлаш ишлари олиб борилди. Натижада бадий галерея, амфитеатр, қабулхона уйи, хунармандлар маркази, миллий услубдаги оқватли шохобчаларини ўз ичига олган ажойиб сайёҳлик мажмуаси бунёд этилди.

Хоразм вилояти ҳамда Хива шаҳрининг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, хорижий туристик компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида халқаро ярмаркаларда фаол иштирок этилди, — дейди вилоят ҳокимининг туризм масалалари бўйича ўринбосари Темур Давлатов. — Жорий йилда Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган Fitur 2018, Берлин шаҳридаги ITB халқаро туристик ярмаркаларида катнашиб, бир қатор келишувларга эришди. АКШнинг Smithsonian Institution институти, Испания Курьелари энергетика ва туризм вазирлигининг туризм соҳасидаги экспертлари, Россия, Австрия, Хиндустон, Қирғизистон оммавий ахборот воситалари вакиллари вилоятнинг туризм имкониятлари билан танишиш мақсадида ташриф буюрдилар.

Сайёҳлар эътиборини нафақат тарихий ёдгорликлар, балки замонавий ажойиботлар орқали жалб қилиш тадбирлари ҳам қўрилмоқда. Яқинда Швейцария ҳамда ўзбекистонлик аэрокосмонавтилар Хива осмони узра илк бор ҳаво шарида парвозни амалга оширишди. Ҳаво шарида туриб “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонасини 100 метр баландликдан кузатиш, шаҳарнинг бетакрор гузаллигини баҳраманд бўлиш ва уни фотосуратларга муҳрлаш меҳмонларга чексиз завқ улашди.

Хоразм вилояти ҳамда Хива шаҳрининг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, хорижий туристик компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида халқаро ярмаркаларда фаол иштирок этилди, — дейди вилоят ҳокимининг туризм масалалари бўйича ўринбосари Темур Давлатов. — Жорий йилда Мадрид шаҳрида бўлиб ўтган Fitur 2018, Берлин шаҳридаги ITB халқаро туристик ярмаркаларида катнашиб, бир қатор келишувларга эришди. АКШнинг Smithsonian Institution институти, Испания Курьелари энергетика ва туризм вазирлигининг туризм соҳасидаги экспертлари, Россия, Австрия, Хиндустон, Қирғизистон оммавий ахборот воситалари вакиллари вилоятнинг туризм имкониятлари билан танишиш мақсадида ташриф буюрдилар.

Сайёҳлар эътиборини нафақат тарихий ёдгорликлар, балки замонавий ажойиботлар орқали жалб қилиш тадбирлари ҳам қўрилмоқда. Яқинда Швейцария ҳамда ўзбекистонлик аэрокосмонавтилар Хива осмони узра илк бор ҳаво шарида парвозни амалга оширишди. Ҳаво шарида туриб “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонасини 100 метр баландликдан кузатиш, шаҳарнинг бетакрор гузаллигини баҳраманд бўлиш ва уни фотосуратларга муҳрлаш меҳмонларга чексиз завқ улашди.

Клавихонинг авлодлари Хоразмга ошиқшмоқда

Жорий йил бошида Испания пойтахти Мадрид шаҳрида 38-Халқаро туризм кўргазмаси ўтказилди. Миқёси жиҳатидан Берлин кўргазмасидан кейин иккинчи ўринда турувчи ушбу халқаро тадбир ҳар йили Испания ҳукумати ва Мадрид шаҳрида жойлашган Бутунжаҳон туризм ташкилоти ҳамкорлигида ташкил қилинади. Fitur кўргазмаси деб ном ол-

кўзда тутилган. 2014 йилда вилоятда атиги 39 та меҳмонхона фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 60 га етди. Утган йили вилоятда 8 та янги меҳмонхона фойдаланишига топширилди. Юқориди таъкидланган қарорга асосан ишлаб чиқилган “Йўл харитаси”га кўра, жорий йил якунигача вилоятда яна 10 та меҳмонхона барпо этилади.


Урганч шаҳрида яқинда иш бошлаган “Караван” меҳмонхонаси ўзига хос меъморий ечимни, сайёҳлар учун яратилган қўшимча қулайликлари билан ажралиб туради. — Миллий ҳамда жаҳон меъморчилиги анъаналари уйғунлашган меҳмонхона биноси қурилиши учун 7,5 миллиард сўм йўналтирилди, — дейди тадбиркор Отабек Ҳожиев. — Меҳмонхонада бир вақтнинг ўзида 50 нафар миқозга аъло даражада хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Мазкур кўркам иншоот фойдаланишига топширилган, 30 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Янги бино яратилган қўшимча қулайликлар ва юқори сифатли жиҳозлар билан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси қошидаги Туризм хизматларини сертифицилаш маркази томонидан тўрт юлдузли меҳмонхоналарга қўйиладиган талабларга тўла жавоб беради.

Эътиборли жиҳати, вилоятда чет эл инвестициясини жалб қилган ҳолда ташкил қилинган меҳмонхоналар сони кўпаймоқда. Жумладан, янги барпо этилаётган “Фаровон” меҳмонхонаси ҳам франциялик ишбилармонлар сармоясига киритилади.

Жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида ХИВАга 515 800 нафар сайёҳ ташриф буюрди.

ган мазкур анжуманда дунёнинг 166 та давлатидан 10000 дан ортиқ компаниялар ҳамда сайёҳлик агентликлари иштирок этгани унинг жаҳон туризми соҳасидаги аҳамияти нечоғли катта эканини кўрсатади.

Тадбирда мамлакатимиз делегацияси ҳам муваффақиятли қатнашиб, юртимиз сайёҳлик салоҳиятини намойиш қилди. Ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири Хоразм вилоятидаги Хива ва




Испаниянинг Авила шаҳарлари ўртасида биродарлашган шаҳарлар тўғрисидаги келишувини имзолаш учун музокарачлар жараёнида бошланиши бўлди.

— Хива ва Авила шаҳарлари ўртасида жуда кўп ўхшашликлар бор, — дейди Хива шаҳри ҳокими Эркин Яқубов. — Ҳар иккала шаҳар қалъа шаклида бўлиб, деворлар Хивада пахсадан, Авилада эса тошдан қўтарилган. Шаҳар-қалъага кириш учун Хивада 4 та дарвоза ўрнатилган бўлса, Авилада улар 6 та. Ҳар икки шаҳарда ҳам қалъа ичкарасида ҳозирги кунда ҳам аҳоли яшайди. Авила 1985 йилда, Хива эса 1989 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилган.

“Улли ҳовли”нинг иккинчи умри

Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги Фойбу қишлоғида “Улли ҳовли” деб аталувчи мажмуа бор. Лоидан тикланган, қарийб 100 та хонадан иборат ушбу кўрғон яқин йилларгача қаровсиз ётар, ҳовлининг ичкарасию ташқариси юлғунзорга айланганди. Ушбу ҳудуддаги собиқ ширкат хўжалиғига узоқ йиллар раислик қилган Давлатназар Ражабов нафақага чиққан, ота-боболарининг ақлу зақоси, меҳнати билан бунёд бўлган мазкур масканни ободонлаштиришга бел боғлади. Бу йўлда кўп қийинчиликларга, сансалорликларга дўкелди, бироқ азмда қатъий турди.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотларнинг бошланиши,



2017 — 2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастурининг қабул қилиниши охиригача кўп йиллик озулари рўйбига йўл очди. Давлатназар ога гайрат-шижоат билан ишга киришди. Қадимий кўрғон қисқа муддатда реставрация қилиниб, бу ерда хунармандчилик маркази, ресторан, меҳмонхона, кинозал ҳамда фотогалерея ташкил этилди. Махсус отхона қурилиб, сайёҳлар томоша қилиш учун машхур ахалтақа зоғли отлар келтирилди.

— Бутун умрим далада, дехқончилик билан ўтди, — дейди Давлатназар ога. — Гапнинг очиги, қишлоқда даромад ердан чиқади деб ўйлаб, фақат дехқончилик билан шугулланиб юраверибмиз. Аслида, ҳудудимизда ундан ўн ҳисса сердаро-

тетиклашпти, дунёқарашимиз ўзгармоқда.

Дарҳақиқат, инсон ҳаётида саёҳат қилиш алоҳида ўринга эга. Негаки, саёҳатда, биринчи навбатда, сиз учун янгилик бўлган ўзгача муҳитни, табиати бўлжизалари, инсон ақлу заковати билан бунёд этилган қадимий ҳамда замонавий иншоотларни кўрасиз. Хорижликлар меҳнат таълиғига чиққан, албатта, бирор манзилга саёҳатда отланади. Биз эса бунга кўп ҳам ҳафсала қилавермаёмиз. Хорижий давлатларга боришни кўя туринг, Хоразмда яшаб, ҳатто, умрида бир бор Хивани бориб кўрмаган юртдошларимиз бор.

Шу маънода, Президентимизнинг жорий йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантириши таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори халқимиз маданий ҳаётида янги саҳифа очди. Мазкур ҳужжатда қасаба уюшмалари зиммасига ҳам талай вазифалар юклатилган.

2014 йилда Хоразм вилоятида атиги 39 та меҳмонхона фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 60 га етган.

Буюк Британиянинг “The Telegraph” нашри томонидан эълон қилинган “Ҳар бир инсон ҳаёти давомида кўриши керак бўлган 35 шаҳар” рўйхатидан Хива ҳам ўрин олган.

Жаҳон туризми экспертлари Ўзбекистонни яқин келажакда сайёҳлар оқими янада ортиши кутилаётган 5 давлат қаторига қўшди.

“Минг бор эшитгандан кўра...”

Наврўз байрами арафасида маҳалла-мажлис оқсоқоли кўнгирак қилиб маҳалладошлар билан юртимизнинг қадимий шаҳарлари бўйлаб саёҳатга боришни тақлиф қилди. Байрам муносабати билан қўшимча таътил кўнари берилгани боис тақлифга бажонидил рози бўлдик. Қирқ нафар сайёҳ замонавий автобусда йўлга чиқди.

Бундан ярим аср муқаддам институтда ўқиб юрган давримизда курсдошлар билан Хива, Бухоро, Самарқанд шаҳарлари қилган саёҳатимиздан эсдалик бўлган фотолангагина вақаллаб, сафар таассуротларини ажиб бир завқ ва соғинч билан эслаймиз, — дейди ҳамроҳим Баҳоҳид Нуруллоев. — Шундан кейин иш, рўзгор ташвишлари билан бўлиб бирон марта саёҳатга чиқмабман. Бугун мана шундай ҳайрли ишларга бош бўлаётганларга раҳмат! Кейсаян чоғимизда юртимизнинг гўзал масканларида бўлиб, табаррук қадам-қосимларни эҳтирд қилиб, руҳиятимиз

Буюк Британиянинг етакчи нашрларидан бири “The Telegraph” ўзининг сайтида чоп этган “Ҳар бир инсон ҳаёти давомида кўриши керак бўлган 35 шаҳар” номли мақолада Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган жаҳоннинг қадимий ва энг гўзал шаҳарлари саралаб олинган. Ушбу рўйхатдан Париж, Санкт-Петербург, Рио де-Жанейро каби шаҳарлар қаторидан Шарқ гавҳари — Хива ҳам ўрин олган. Жаҳон талпинаётган бу қадим кентни Ўзбекистонда яшаб туриб ахалли бир бор бориб кўрмаслик мумкинми?

Соҳа истиқболи — депутатлар нигоҳида

Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 16 августда қабул қилинган “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди. Яқинда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси навбатдаги йилгилишида мазкур қарорнинг вилоятдаги ижроси кенг муҳокама этилди. Унда вилоят сайёҳлик салоҳиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари тинланди.

— Вилоятимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўла туриб, узоқ йиллар

бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланилмади, — дейди халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси, вилоят Кенгаши депутаты Раҳимберган Соборов. — Айни кунда вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” асосида жадал юмушлар олиб борилмоқда. Аммо ютуқлар билан бир қаторда, камчилиқлар, ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, Хоразмнинг Жалолиддин Манғуберди, Нахмиддин Кўбро, Тумарис каби тарихий қаҳрамонлари ҳақида, қадимий воқеа маданияти ва маҳаллий аҳоли урф-одатлари хусусида бадий, ҳужжатли фильмлар, муслиқий клиплар яратиш ва дунё бўйлаб тарғиботини йўлга қўйиш ҳам сайёҳларнинг бу мафтункор ўлкага қизиқшини оширади. Ёки интернет тезлигининг пастилиги хусусида кўплаб эътирозлар билдирилди.

Худуднинг туризм салоҳиятини, тарихий-маданий хусусиятлари ва табиий-иклим шароитларини тарғиб қилишда турли халқаро кўргазма ҳамда ярмаркаларда иштирок этиш, хорижий давлатлар вакиллари тақлиф қилган ҳолда, фестиваллар, спорт мусобақалари уюштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган “Ковун сайли”, “Раққ сеҳри”, “Хоразм маданияти кунлари” каби фестивалларга хорижий мамлакатлардан ташриф буюраётган катнашчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани қувонардир.

Бундан ташқари, вилоятда туризмнинг тарихий-меъморий йўналиши билан чегараланиб қолмасдан, “Қизилқум” давлат қўриқхонаси зонасида, Амударё соҳилларида, Говукўл ва Эшонравот “қўларидида экотуризмни, Богот, Хонқа, Хазорасп, Урганч туманларида шифобахш ер ости сувлари билан боғлиқ ҳолда, табиий туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш даркор.

Статистика маълумотларга кўра, 2017 йилда Хоразм вилоятига дунёнинг 78 та мамлакатидан 60,6 миң хорижлик сайёҳ ташриф буюрган. Вилоят иқтисодиётида ялли худудий маҳсулотнинг ўртача 0,85 фоизи, экспортнинг 1,3 фоизи туризм ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда жаҳон ялли ички маҳсулотнинг 9 фоизи, хизматлар экспортнинг 30 фоизи айнан шу соҳада яратилаётганини ҳисобга олсақ, вилоятда сайёҳлик индустриясини ривожлантиришда фойдаланилмаётган имкониятлар жуда кўплиги аён бўлади. Шу боис туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилинган худудий дастурлар ижросини таъминлаш, бу борада мутасадди ташкилотлар масъулиятини ошириш давр талабидир.

Жаҳон туризми экспертлари Ўзбекистонни яқин келажакда сайёҳлар оқими янада ортиши кутилаётган беш давлат қаторига қўшиб, мамлакатимизда кейинги 10 йил ичидида туризм йилга 7 фоиздан ўсиб боришини баъорат қилишмоқда. Бу ҳам янги иш ўринлари очиб, экспорт ва ялли ички маҳсулот ҳажминини ошириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш имконини яратади.

Хоразмнинг сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг бир қисмига тўхтадик, холос. Бу йўналишдаги янгиликлар, бунёдкорликлар қўлама эса ниҳоятда кенг. Аслида, “Минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал”, дейди доно ҳалқимиз. Бу ўғарилар билан яқиндан танишиш учун Хоразмга бир келинг! Сизни қадим ва навқирон Хивада кутамиз!

Одилбек ОДАМБОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645, 115 730 нухсда босилди, ҳажми — 2 таб. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ГАЗЕТАНИНГ МАҚСУДИ: Миллий маълумотларни оқиб оқиш учун Ой-қонини телефончилик орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тадбиратта келган қўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида тералди ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъула. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА куяни — 23.30 Тошпирилди — 01.15 23456

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусакхас — Ш. Машраббоев.